Шохрух Мирзо Амир Темурнинг тўртинчи ўгли бўлиб, 1377 йил 20 август, пайшанба куни оламга келган. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига караганда, Шохрухнинг онаси Тагой Туркон ого Сохибкироннинг хос канизакларидан бўлиб, Амир Темур кейинчалик уни ўз никохига киритган. Шундай бўлса хам Шохрухни Сароймулкхоним тарбиялаб вояга етказган.
Шохрух Мирзо ёшлигиданок ахкоми шариатга каттик риоя килиб, диний китобларга кизиккан. У 20 ёшигача отаси Сохибкирон каватида бўлиб, харбий юришларда, жумладан, Фаластин юришида хам фаол катнашган. Амир Темур 1397 йилда унга Хуросон, Сеистон ва Мозандарон хокимлигини бергач, то 1405 йилгача Хуросон хукмдори деган ном билан кифояланган.
Фасих Хавафийнинг ёзишига караганда, Шохрух Мирзо Хиротнинг нуфузли хўжазодалари рахнамолигида Хуросон хокимлигини бошкарган.
Амир Темур вафотидан сўнг, Шохрух Мирзо тахтга даъвогарлар каторида валиахд Пир Мухаммад Мирзо билан иттифок тузиб, Самарканд хукмдори Халил Султонга карши курашади. 1407 йили Пир Мухаммад Мирзонинг фожиали ўлимидан сўнг якка ўзи курашни давом эттириб, 1409 йили Халил Султон устидан кўли баланд келиб, тахтни кўлга киритгач, Мовароуннахрни тўнгич ўгли Улугбек Мирзога, Балхни иккинчи ўгли Султон Иброхим Мирзога, Хисорни мархум Мухаммад Султон Мирзонинг ўгли Мухаммад Жахонгир Мирзога, Фаргонани эса мархум акаси Умаршайх Мирзонинг ўгли Ахмад Мирзога инъом килиб, ўзи Хиротга кайтиб кетади.
Шохрух Мирзо аста-секин ўз акалари Жахонгир, Умаршайх ва Мироншохларнинг авлодини хар хил йўллар билан ўзига тобе килиб, Мовароуннахр, Озарбайжон, Ирок, Хуросон ва Шимолий Афгонистондан иборат катта бир давлат жиловини ўз кўлига киритиб, Хиротни ўзининг пойтахти деб эълон килади ва «улуг хокон» сифатида салтанатни бошкаришга киришади.
Шохрух Мирзо кўп вактини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларкан, девон ва салтанатни бошкаришда ўктам ва тадбиркор хотини Гавхаршодбегим фаол иштирок этган.
Шохрух Мирзо ихлос ва ниёзмандлик юзасидан дарвешлар хамда гўшанишинларга илтифотлар кўрсатиб, Хиротнинг Жомеъ масжидида жума намозини халойик билан бирга ўкирди. Жума намозларининг бирида (1427 йил 21 феврал) Ахмад исмли кимса масжид ичида Шохрух Мирзога пичок санчади. Ахмад ўша захоти катл этилади. Табибларнинг жонбозлиги билан килинган муолажадан сўнг захм битиб, Шохрух Мирзо тузалиб кетади.
Шохрух Мирзо умрининг охиригача ўз ўрнига валиахд тайинлашга иккиланиб юради. 1446 йили Шохрух Мирзо ўз набираси, казвин, Рай ва кум вилоятлари хукмдори Султон Мухаммадга карши юриш бошлайди. Чунки Султон Мухаммад бобоси Шохрух Мирзога карши бош кўтариб, Хамадон ва Исфахонни босиб олиб, Шерозни камал килган эди. Шохрух Мирзо кўшини гарбий Эронда хеч кандай каршиликка учрамайди. Нимагаки, бобосининг келаётганини эшитган Султон Му¬хаммад Шероз камалини бўшатиб, токка кочган эди. кўзголон айбдорлари аёвсиз жазоланадилар.
Мазкур харбий юришдан кайтаётганда Шохрух бетобланиб, 1447 йили Рай вилоятида, 70 ёшида вафот этади.
Хуросон Шохрух Мирзо даврида сиёсий-ижтимоий, иктисодий ва маданий жихатдан анча

ривожланди, кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Масжидлар, мадрасалар, хонакохлар, работлар, сар-добалар, кишлок ва кўргонлар курилиб, мазкур курилишлар вакф мулклари билан таъминланди. Шохрух Мирзонинг мўътадил ички ва ташки сиёсати Хуросонда тинчликнинг баркарор бўлишига олиб келди. Бу даврда тижорат, хунармандчилик, дехкончилик юкори даражада кўтарила бошлади. Айникса, хунармандчилик, тўкимачилик, меъморчилик, ўймакорлик, хаттотлик, муковасозлик хамда когоз ишлаб чикаришга катта эътибор берилди. Шунингдек, металлни кайта ишлаш, курилиш асбоб-ускуналарини тайёрлаш, кулолчилик санъати ўсди. Булардан ташкари заргарлик, каштадўзлик, кандакорлик, шохи ва бошка хил матолар тўкиб чикаришга эътибор кучайди. Жумла-дан, махаллий ва хориждан олиб келинган хомашёлардан банорас, атлас каби матолар ишлаб чикарила бошланди. Шу касбнинг мохир усталари етишиб чикди. XIУ-XV асрларда Хуросонда кулолчилик санъати сопол буюмлар билан бир каторда сув иншоотларида, ул¬кан бинолар курилишида ишлатиладиган сопол кувурлар, хилма-хил шакл ва ранглар билан жилоланган сопол кошинлар ишлаб чи-кариш кенг йўлга кўйилди.

Шохрух Мирзо мамлакат истикболини кўзлаб Хитой ва Хиндистон хукмдорлари билан дипломатик муносабатларни яхшилашга харакат килди. Мазкур мамлакат элчилари Самарканд ва Хиротда, ўз навбатида гиёсиддин Наккош рахбарлигида Хитойда, Абдуразок Самаркандий бошчилигидаги элчилар Хиндистонда бўлдилар. Шохрух Мирзо Хирот шахар калъасининг жануб томонида (1410-1411) Мадраса ва хонакох бино килдирди. Бу пайтда пойтахт Хирот ва умуман Хуросонда маданий ва маиший курилишлар кенг кулоч ёзади.

Хиротда бир неча шифохоналар мавжуд бўлиб, буларнинг каторида яна иккита «Дорушшифо» курилади. Бу шифохоналарнинг биттаси Шохрухнинг учинчи хотини Мулкат ого (Мулк ого) тарафидан, иккинчиси эса Шохрухнинг набираси Алоуддавла (1417-1460) томонидан курдирилган эди. Мулкат ого хам Гавхаршодбегим каби Хиротда «Дорулхадис» номли хонакох, иккита хаммом, Хиротдан 8 фарсах нарида, Амударёга борадиган йўл устида битта работ, Балх шахрида бир Мадраса курдирди.

Шохрух даврида Хиротда курилган энг катта ёдгорликлардан бири малика Гавхаршодбегим тарафидан курдирилган улкан Мадраса ва мазкур Мадраса ёнида кад кўтарган хонакохдир. Бу бинолар 1417 йилда бошланиб, 1437 йилда куриб битказилган. Мазкур Мадраса ва хо¬накох хозирги кунгача етиб келган бўлиб, хонакохга унинг айрим ўгиллари, Гавхаршодбегим ва бошка Темурий шахзодалар ва маликалар дафн этилган. Шохрух Мирзо саройида хизмат килувчи амалдорлар, беклар, саркардалар ўз номларини абадийлаштириш максадида бир катор маданий ва маиший бинолар курдиришган. Чунончи, Хиротнинг Хиёбон мавзеида курбон Шайх, Ферузшох, Чакмок Шох, Алайх Кўкалдош мадрасалари кад ростлаган эди. Бу мадрасаларда диний билимлар билан бир каторда тилшунослик, адабиёт, тарих, жугрофия, хандаса, риёзиёт, фалакиёт каби илмлар ўкитиларди. Булардан ташкари, фалсафа, мантик ва мусика илми хам анча ривожланган эди.

Хирот кадим замонлардан турли-туман диний ва илмий китобларга бой шахарлардан хисобланган. Шохрух Мирзонинг ўзи хам китобга ўч киши бўлиб, ўзининг бой шахсий кутубхонаси, ўгли Бойсунгур Мирзонинг хам ажойиб кутубхонаси бўлган. Бу кутубхоналар кимматли асарларга бойлиги ва хилма-хиллиги билан шухрат козонган. Умуман сохибкирон Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннахр ва Хуросонда Шохрух Мирзонинг хукмронлик даврида нисбатан осойишталик хукм сурди. Бинобарин, Амир

Темур бошлаб берган иктисодий, ижтимоий ва маданий хаёт ўз ривожини топди.

Т.Файзиев